



69

0704, *Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy*
Т: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, *г.Иштихан ул. Иштиханская д.4,*
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

16 у.г «8» *август*

№ *2511-к*

Иштихон ш.-г.Иштихан

Чордара" кишлоқ фуқаролар йиғини Ҳасан-Ҳусан кишлоғи худудидан фуқаро Жиянов Жамшидга "Қандолатчилик цехи, майизни қайта ишлаш цехи ва музлатгиш омборхонаси ҳамда иссиқхона" бинолари қуриш учун ер майдони ажратиш қисмида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шахарсозлик қонунини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари қуриш, шунингдек объектларни қуришга руҳсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш қарар-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида фуқаро Жиянов Жамшиднинг Иштихон тумани "Чордара" кишлоқ фуқаролар йиғини Ҳасан-Ҳусан кишлоғи худудидан "Қандолатчилик цехи, майизни қайта ишлаш цехи ва музлатгиш омборхонаси ҳамда иссиқхона" биноларини қуриш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризасига асосан, "Чордара" кишлоқ фуқаролар йиғини Ҳасан-Ҳусан кишлоғи худудидаги 461-контурда жойлашган туман ҳокимлиги қарорасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Қандолатчилик цехи, майизни қайта ишлаш цехи ва музлатгиш омборхонаси ҳамда иссиқхона" биноларини жойлаштириш бўйича "Давархитектқурилиш" кўмитасининг 2002 йил 1 ноябрда қабул қилган Регламентига асосан "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖдан олинган 2016 йил 3 июндаги 06-16/4-984-сонли ижобий ҳулосасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 7 июлдаги 1012-сонли ҳулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси қарорининг 2016 йил 9 августдаги 32-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖдан олинган 2016 йил 3 июндаги 06-16/4-984-сонли ижобий ҳулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 7 июлдаги 1012-сонли ҳулосаси ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиб қарор қилиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 9 августдаги 32-сонли далолатномаси тасдиқлансин.

2. "Чордара" кишлоқ фуқаролар йиғини Ҳасан-Ҳусан кишлоғи худудидаги 461-контурда жойлашган туман ҳокимлиги қарорасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан фуқаро Жиянов Жамшидга "Қандолатчилик цехи, майизни қайта ишлаш цехи ва музлатгиш омборхонаси ҳамда иссиқхона" бинолари қуриш ва ободонлаштириш учун ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш.

3. Фуқаро Жиянов Жамшидга руҳсат этилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиха қилиш ва лойиха ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга руҳсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси қилиш таъинлансин.

4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида "Қандолатчилик цехи, майизни қайта ишлаш цехи ва музлатгиш омборхонаси ҳамда иссиқхона" бинолари қурилишини лойиха асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси таъинлансин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини назорат қилиш вазифаси таъинлансин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев таъинлансин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов

Ш.Негматов